

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январь-август ойларида иқтисодий тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 3085,5 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2017 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 1765,8 млрд. сўм ёки 233,8 % га ошган.

2018 йилнинг январь-август ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-августга нисбатан фоизда</i>
Жами	3016,5	236,9
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	29,7	115,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	2680,5	270,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	43,3	158,6
Қурилиш	3,0	28,3
Савдо	218,0	107,0
Ташиш ва сақлаш	-2,0	50,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5,3	75,7
Ахборот ва алоқа	0,1	-
Кўчмас мулк билан операциялар	10,6	123,3
Профессional, илмий ва техник фаолият	23,7	59,3 м
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,3	3,0 м
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2,8	254,5
Бошқалар	1,2	133,3

Ижобий молиявий натижа (фойда) нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига – 2680,5 млрд. сўмга, савдо корхоналарига – 218,0 млрд. сўмга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 43,3 млрд. сўмга тўғри келади.

Салбий молиявий натижа (зарар) ташиш ва сақлаш корхоналарига – 2,0 млрд.

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжалиқлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

сўм тўғри келади.

2018 йилнинг январь-август ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Олмалик КМК” АЖ (1453,9 млрд. сўм), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (180,3 млрд. сўм), “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ (170,0 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (99,0 млрд. сўм) таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши “Ўзбекозиковкатхолдинг” ХК 116,9 млрд. сўмга, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ – 31,7 млрд. сўмга, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси – 4,6 млрд. сўмга, “Ўздонмахсулот” АК – 3,9 млрд. сўмга юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

**2018 йилнинг январь- август ойларида ҳудудлар кесимида
яқуний молиявий натижалари**


	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-августга нисбатан фоизда</i>
Вилоят бўйича:	3016,5	236,9
<i>шаҳарлар:</i>		
Нурафшон	60,7	-
Олмалик	1786,9	6,2
Ангрен	-17,7	16,1 м
Бекобод	368,9	227,9
Оҳангарон	152,9	-
Чирчиқ	174,8	227,3
Янгийўл	12,2	-
<i>туманлар:</i>		
Оққўрғон	2,7	9,0 м
Оҳангарон	51,7	13,1
Бекобод	0,4	133,3
Бўстонлик	6,0	115,4
Бўка	1,8	94,7
Зангиота	119,8	74,1
Қибрай	83,3	80,2
Қуйичирчиқ	0,3	-
Паркент	1,7	77,3
Пскент	0,3	50
Ўртачирчиқ	34,3	105,5
Чиноз	32,4	116,1
Юқоричирчиқ	17,3	298,3
Янгийўл	62,9	5,9 м
Тошкент	62,9	-

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Олмалик шаҳар 1786,9 млрд. сўм (жами фойданинг 28,9%), Бекобод шаҳар 368,9 млрд. сўм (5,9%), Чирчиқ шаҳар 180,3 млрд. сўм (2,7%), ва Оҳангарон шаҳар 152,9 млрд. сўм (2,5 %) га тўғри келади.

Зарарлар. 2018 йилнинг январь-август ойларида 11 та корхона ва ташкилотлар 68,9 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми “Ўзбекэнерго” АЖ корхоналари – 51,4 млрд. сўм (74,5%), Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги корхоналари –12,9 млрд. сўм (18,7%), Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирмаган тадбиркорлик субъектлари – 2,5 млрд. сўм (3,6%), “Тошшаҳартрансхизмат” АК – 2,2 млрд. сўм (3,2%) га юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.


**2018 йилнинг январь-августида зарар кўрган корхона
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
(жамига нисбатан фоизда)



2018 йилнинг январь-августда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн.сўм	жамига нисбатан фоизда
Жами	11	68858,7	100,0
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	2	745,6	1,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	5	64397,2	93,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	3	2253,7	3,3
Савдо	1	1462,2	2,1
Ташиш ва сақлаш			

2018 йилнинг январь-августда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(жамига нисбатан фоизда)



Зарарнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 64397,2 млрд. сўм (93,5 %) соҳасида юзага келган.

**2018 йилнинг январь-августда ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн.сўм</i>
Вилоят бўйича:	11	100,0	68858,7
<i>шаҳарлар:</i>			
Нурафшон	1	9,1	20,0
Ангрен	5	45,4	55773,1
Чирчиқ	1	9,1	5461,8
<i>туманлар:</i>			
Оққўрғон	2	18,2	103,1
Қибрай	1	9,1	5350,0
Юқоричирчиқ	1	9,1	2150,7

**Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик
қарздорлиги ҳолати¹⁾**

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 4730,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 119,1 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 2,5%.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2017 йилнинг 1 сентябрига нисбатан солиштирганимизда 6,5% ни ташкил қилади, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 86,1% ташкил қилди.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Нурафшон шаҳар 990,8 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 20,9%), Бекобод шаҳар 801,2 млрд. сўм (16,9%), Олмалиқ шаҳар 500,3 млрд. сўм (10,6%) ва Бўстонлик тумани 372,1 млрд. сўм (7,9%) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Пскент тумани 1,2 млрд. сўм (0,03%), Паркент тумани 2,9 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,06%), ва Оққўрғон тумани 3,2 млрд. сўм (0,07%) да пастлигини кўриш мумкин.

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банklar, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

**2018 йил 1 сентябрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича
муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	<i>Жами, млрд. сўм</i>	<i>ундан:</i>			<i>Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, %да</i>
		<i>харидор ва буюрт- мачилар</i>	<i>етказиб берувчи- ларга ва пудратчи- ларга берилган аванслар</i>	<i>ички идора- вий</i>	
Жами	119078,7	85957,2	2962,2	14079,0	2,5
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	70412,8	50674,4	2888,5	769,5	12,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	15591,9	15591,9	-	-	58,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	971,4	-	65,7	905,7	32,0
Қурилиш	327,3	327,3	-	-	11,0
Савдо	253,2		-	253,2	59,1
Ташиш ва сақлаш	8,0		8,0	-	1,0
Бошқалар	31514,1	19363,6	-	12150,6	0,8

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2018 йил 1 сентябрь ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 2319,1 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 49,0 фоизини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги “Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналари – 848,7 млрд. сўм

(36,6%), “Ўзбекэнерго” АЖ – 500,7 млрд. сўм. (21,6%), “Олмалик КМК” АЖ – 442,7 млрд. сўм (19,1%), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 155,8 млрд. сўм (6,7%).

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиши “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ - 60,4 м (47,5 млрд. сўм), “Ўзавтосаноат” АК - 22,5 м (112,0 млрд. сўм), “Ўздонмахсулот” АК - 5,5 м (15,0 млрд. сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 171,8% (65,1 млрд. сўм) кузатилди.

Дебитор қарздорлик “Ўзкимёсаноат” АЖ – 87,6% га (734,7 млрд. сўм), “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 61,0 % га (1326,5 млрд. сўм) камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолинмоқда.


2018 йил 1 сентябрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 5315,2 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 97,0 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 1,8% ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2017 йилнинг 1 сентябрига нисбатан солиштирганимизда 37,3% га ошган, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 2,6% ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2018 йил 1 сентябрь ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 3245,7 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 61,1% ни ташкил қилади, шу жумладан муддати ўтган – 19,9 млрд. сўм ёки мос равишда 20,5%.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 740,2 млрд сўмга камайди, шу жумладан “Ўзкимёсаноат” АЖ – 97,6% га камайиб, вилоят бўйича жами муддати ўтган кредитор қарздорликнинг 17,1% ташкил этади.

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги
(жамига нисбатан фоизда)



2018 йил 1 сентябрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	Бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора- вий	
Жами	96958,0	72669,1	2841,6	4372,9	22,1	1,8
Ишлаб чиқарадиган саноат	19871,1	4781,0	-	-	22,1	6,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	73873,5	67516,4	-	4372,9	-	83,1
Қурилиш	371,7	371,7	-	-	-	29,2
Кўчмас мулк билан операциялар	2841,6		2841,6	-	-	77,0

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига жами кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши 584,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторликка нисбатан ошиши

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан фоизда</i>
“Ўзбекэнерго” АЖ	960,7	291,9
“Ўзавтосаноат” АК	139,8	219,3
“Олмалиқ КМК”	163,0	136,8
“Ўзпахтасаноат” АЖ	125,2	572,5
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	-41,2	73,6
“Ўзбекнефтгаз” АЖ	-505,4	40,5

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Ўзбекэнерго” АЖ 960,7 млрд. сўмга (291,9), “Ўзавтосаноат” АК - 139,8 млрд. сўмга (219,3%), “Олмалиқ КМК” АЖ – 163,0 млрд. сўмга (136,8%), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 125,2 млрд. сўмга (572,5 %). Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Худудлар бўйича кўрилганда юқори кредитор қарздорлик Ангрэн шаҳар 810,6 млрд. сўм (15,3%), Олмалиқ шаҳар 690,1 млрд. сўм (13,0%) ва Нурафшон шаҳар 675,2 млрд. сўм (12,7%) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Паркент тумани 2,0 млрд. сўм (0,04%), Бўка тумани 7,5 млрд. сўм (0,1%) ва Бекобод тумани 11,3 млрд. сўм (0,2%) да пастлигини кўриш мумкин.